

## У кунда насаблар қолмас



11:30 / 13.06.2019 2466

Товус айтади: «Масжидул Ҳаромда тарнов остида бир кишининг намоз ўқиб, йиғлаб дуо қилаётганини кўрдим. Намозини ўқиб бўлгач, ортидан эргашдим. Қарасам, Али ибн Ҳусайн экан. Унга: «Эй Расулуллоҳнинг зурриёти! Сени намоз ўқиб, йиғлаб дуо қилганини кўрдим. Аммо сенда уч нарса борки, улар сени хавфдан озод қилади деб умид қиламан: Расулуллоҳнинг зурриёти эканинг, бобонгнинг шафоати ва Аллоҳнинг раҳмати», дедим. Али шундай деди: «Эй Товус! Расулуллоҳнинг зурриётидан бўлишим мени қутқармайди. Аллоҳ азза ва жалланинг **«У кунда ўрталарида ҳеч қандай насаблар қолмас...»** деган ояти бор. (Муъминун сураси, 101-оят). Бобомнинг шафоати ҳам мени хотиржам қилмайди, чунки Аллоҳ таоло: **«Улар фақат (Аллоҳ) рози бўлганларнигина шафоат қилурлар...»** деган. (Анбиё сураси 28-оят). Аллоҳнинг раҳматига келсак, У Зот азза ва жалла: **«Аллоҳнинг раҳмати**

**солиҳ амал қилувчиларга яқиндир»,** деган. Мен ҳам ўшаларданманми, йўқми билмайман-ку!».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**